



Ислом Нури

Аллоҳ таоло айтади: «**Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар билимсизлик билан (ўзгаларни) Аллоҳнинг йўлидан оздириш учун ва у (йўлни) масхара қилиш учун бехуда сўз(лар)ни сотиб олур**» (Луқмон: 6).

Абу Молик ал-Ашъарий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитган экан: «Умматим ичиди ҳали шундай қавмлар бўладики, улар зинони, ипакни, маст қилувчи ичимликни ва маъозифни (яъни, мусиқа асбобларини) ўзларига ҳалол қилиб олишади. (Ўша) қавмлар бир тоғнинг ёнбағрига келиб тушадилар. Улар олдига уларнинг чорваларини ҳайдаб юрадиган (фақир чўпон) бир ҳожатини сўраб келади. Шунда улар: «Эртага кел», дейишади. Тунда Аллоҳ уларга азобини туширади ва тоғни (улар устига қоплаб) қўяди, қолганларини эса то қиёмат кунигача маймун ва тўнғизларга айлантириб қўяди» (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Куй-қўшиқ ва мусиқаларга қулоқ солиш ҳаром ва мункардир, дилнинг қотиши, касалланиши ва Аллоҳнинг зикридан ва намоздан тўсилишига



сабабдир. Кўп уламолар Аллоҳ таолонинг юқоридаги оятидаги «бехуда сўзлар»дан мурод мусиқа ва куй-қўшиқ эканини айтганлар. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу: «Қасам ичиб айтаманки, бехуда сўз - куй-қўшиқдир», деганлар (Тафсиру Ибн Касир). Баъзи уламолар, жумладан Шайх Абдулазиз ибн Боз ўз фатволарида, шайх Нажмий «Танзихуш-шариъа» китобида, шайх Солиҳ ал-Фавзон «Ал-иълом бинақди китабил-ҳалал вал-ҳаром» китобида, шайх Абу Бакр ал-Жазоирий «Ал-иълом бианнал-азфа вал-ғина ҳаром» китобида мусиқа жўрлигига айтиладиган қўшиқларнинг ҳаромлигига ижмоъ қилинган эканини айтганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Мусиқа ва куй-қўшиқнинг ҳаромлиги;
2. Ушбу уммат ичидан айримлар уни ҳалол санаб олишлари.